



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
SO'X TUMAN ADLIYA BO'LIMI  
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151400, So'x tumani, Rovon shaharchasi, A.Temur ko'chasi, 102-uy.  
Tel.: (99873) 462 57 71, el.pochta: sux.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TUG'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

23.08.2022 yil

**BF0551613364**

**1.Loyihaning turi.**

**SHARTNOMA**

**2.Loyihaning nomi.**

pudrat shartnomasi

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana to'g'risidagi ma'lumot.**

So'x tuman Halq ta'limi bo'limi

So'x tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga So'x tuman Halq ta'limi bo'limi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168 sonli qarori bilan tasdiqlangan Nizom talablariga asosan 2022 yil 22 avgust kuni **XK 75308346** qayd raqami bilan dasturga xulosa olish uchun kiritilgan tuman Halq ta'limi bo'limi bilan "Sayyidulloh" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtaсидаги 13- sonli maktab oshxona binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnoma loyihasi o'rganilganida qo'yidagilar aniqlandi.

Markaz tomonidan 2022 yil 22 avgusti kuni shartnoma loyihasi va unga biriktirilgan ilovalar asosida o'rganilganida, shartnoma loyihasiga 13- son maktabni ta'mirlash buyicha loyiha smeta hujjatlari, nuqson dalolatnomasi, o'tkazilgan yig'ilish bayoni, loyixani ekspertizadan o'tkazish xulosasi ,XTBning topshiriq xati , "Sayyidulloh" MChJning ta'sischisi pasporti ilova qilinmaganligi uchun rad qilingan.

XTB mas'ul xodimi tomonidan rad qilish asoslari o'rganilib, ular bartaraf qilgan xolda qaytadan shu raqam asosida markazga ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 23 avgust kuni yuborilgan.

Markaz tomonidan qayta biriktirilgan pudrat shartnomasi loyihasi o‘rganilganida qo‘yidalar aniqlandi.

“Sayyidulloh” mas’uliyati cheklangan jamiyati 2021 yil 23 iyun kuni So‘x tuman Davlat xizmatlari markazidan № 1006323 qayd raqami bilan ruyxatdan o‘tganligi haqidagi guvohnomasi, Nizomi, korxona rahbari Ergashboev Oyatulloh Salmonzoda nomiga berilgan AA 2924825 fuqarolik pasporti xamda 13 sonli mакtab oshxona binosini joriy ta’mirlash uchun tuman XTB sining loyiha topshirig‘i va nuqson dalolatnomasi, Farg‘ona shahrida faoliyat olib borayotgan 2021 yil 05 yanvardagi AL 001571 sonli litsenziyasiga ega bo‘lgan “Project Dizayn” MchJsi tomonidan So‘x tuman 13- sonli mакtab oshxona binosini joriy ta’mirlash yuzasidan to‘zgan loyiha smetasi va O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi “Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi”DUK 2022 yil 18 iyuldaggi № 51557 sonli yig‘ma ekspert xulosasi ilova qilinganligi aniqlandi.

Shuningdek 2022 yil 19 avgustdagagi lot 136990 13-son mакtab oshxona binosini joriy ta’mirlash ishlarinin bajaruvchini tanlash bo‘yicha XTB tanlov komissiyasining protokoli ilovaga kiritilganligi aniqlandi.

Qayd etilganlarga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan “Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlari to‘g‘risida NIZOM ning 13,14-moddalari talabidan kelib chiqib, qayta xuquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga kura

## X U L O S A Q I L A M A N :

So‘x tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga So‘x tuman Halq ta’limi bo‘limi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168 sonli qarori bilan tasdiqlangan Nizom talablariga asosan 2022 yil 22 avgust kuni XK 75308346 qayd raqami bilan dasturga xulosa olish uchun kiritilgan tuman Halq ta’limi bo‘limi bilan “Sayyidulloh” mas’uliyati cheklangan jamiyati o‘rtasidagi 13- sonli mакtab oshxona binosini joriy ta’mirlash to‘g‘risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga **muвofiq ishlab chiqilgan va muвofiq** deb to‘ilsin.

So‘x tumani Yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi boshligi :



O‘.Ergashev

## Пудрат шартномаси №2

Сух тумани

2022 иил '24. август.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Сух туман Халк таълими булими номидан Низом асосида иш кўрувчи **Б.Хусейнов** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “SAYYIDULLOH” Х/К номидан Низом асосида иш кўрувчи директори **О.Эргашбоев** иккинчи томондан курилиш монтаж ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

**“Ижро хужжатлари”:** Натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар.

**“Курилиш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида Сўх тумани 13 сон умумтаълим ўрта мактабини жорий таъмирлаш учун барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“Вақтинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“Беркитилган ишлар”:** Сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**“Шартномани нархини бўлиб чиқиши”:** Ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган холдашартнома бўйича объектни умумий қийматини боскичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **465 000 000** (Турт юз олтмиш беш миллион ) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;
- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида Пудратчига пудратчи ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

## **VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар**

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида, бунак (аванс) ўтказади, бу **139 500 000** (Бир юз уттиз туккиз миллион беш юз минг ) сўмни ташкил этади.

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

23. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

24. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нұкталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

25. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

26. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

27. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұқталаридан янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

28. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларида, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

29. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор киласди.

30. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

31. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бухақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга-чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарины юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларини қўриқлаш**

36. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунча ва курилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинова иншоотлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

40. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш**

41. Курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек, курилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

42. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

### 45. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техники шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;
- объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиши қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

46. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида \_\_\_\_ ой этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунгача ҳадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, унинг ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонларни Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этиласа, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқукига эга.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёкимзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назоратини инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

### 49. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишининг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айбилин билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарде тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилгандা;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишин талаб қилиш хуқукига эга.

### 50. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатлариға мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг       фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг       фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равиша бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

63. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
64. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.
65. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хақиқий ҳисобланади.
66. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
67. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.
68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.
69. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган \_\_\_\_\_ нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

Буюртмачи:

Номи: Сух туман Халқ таълими булими

Манзили: Сух тумани  
Шхр: 100022860302267092100075042  
ИНН: 206933142  
Молия Вазирлиги Фазначилиги  
x/p:23402000300100001010  
Банк: Тошкент шаҳар Марказий банк  
бош бошкармаси  
МФО:00014  
ИНН: 201422919  
Рахбар: 



М.У.

Пудратчи:

Номи: "SAYYIDULLOH" X/К

Манзили: Сух тумани  
x/p: 20208000405408084001  
Банк: Халқ банки  
ИНН: 308614234  
МФО: 00806  
ОКЭД:

Рахбар:

М.У.



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Сўх тумани халқ таълими бўлимии

Рахбари  Б.Хусейнов



«24 Август» йил

Сух тумани

Сух тумани халқ таълими бўлимии Бюджет маблағларни самарали сарфлаш учун 13 сон умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш учун куйилган элон туғрисида йиғилиш

БАЁННОМАСИ №

Комиссия раиси:

Б.Хусейнов

Аъзолари:

Бош иқтисодчи :

Д.Нисоев

Бош хисобчи:

А.Юлдошев

Бош мухандис:

Р.Бобоев

хисобчи:

Ш.Атахонов

Узбекистон Республикасининг «Давлат харидларитугрисида»ги 2021йил 22 апрелдаги №-684-сон Конунининг 62-моддаси 7 чи хат боши Бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йули билан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштиргандан сунг, танлов ғолиби аниқлангандан сўнг 2 кунлик мухокамада хеч қандай шикоят ва этиrozлар келиб тушмаган тақдирда амалга оширилади.

Сух тумани халқ таълими бўлими таклифи билан мурожат килган ташкилотлар:

SAYYIDULLOH x/k

Мазкур танлов бўйича Сух тумани халқ таълими бўлимига қарашли 13 сон умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш учун кўйилган Танлов бўйича таклифлар тақдим этилди. Ушбу тижорат таклифи бўйича танлов ўтказиш тўғрисида танлов комиссияси раиси Б.Хусейнов сўз олди. У ўз сўзида кун тартибидаги масала юзасидан гапириб, танловда иштирок этган хусусий тадбиркорлар таклифлари билан батафсил танишиб чикиб, энг маъкул ғолиб

аникланганлиги ва 2 кун давомида мухокамада бўлганлиги хеч кандай этироз шикоятлар келиб тушмаганлигини такидлаб ўтди комиссия аъзолари уз фикр ва хуносаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, комиссия аъзолари ўз фикр ва мулохазаларини билдирилар. 22.04.2021 йилдани УРК 684- сон 62-моддаси талабларига асосан юқоридаги масалаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, танлов комиссияси.

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танлов комиссиясига тақдим қилинган тижорат таклифларини сифати ва нархи юзасидан батафсил ўрганиб чиқиб Сух тумани халқ таълимига қарашли 13-умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш учун 465 000 000 сўмга тижорат таклифи мақул деб топилсин ва шартнома тузилсин.
2. Шартнома умумий суммаси 465 000 000 (Турт юз олтмиш беш миллион) сўмни ташкил этади. 100022860302337092100075042 х/рдан тўланади.
3. Ажратилган маблағлар доирасида тегишли шартнома имзоланиб Сух тумани бўйича Фазначилик бўлгимасидан рўйхатдан ўтказилсин.

Комиссия раиси:



Аъзолари:

Б.Хусейнов

Д.Нисоев

А.Юлдошев

Р.Бобоев

Ш.Атахонов